

**2005-3**

**Жиноятни квалификация қилиш масалалари**

*Судланувчилар ҳаракатларининг нотўғри квалификация қилиниши суд қарорларини ўзгартиришга асос бўлди.*

Сурхондарё вилояти жиноят ишлари бўйича Музрабод туман судининг 2001 йил 22 августдаги ҳукмига асосан, М. ЖК 273-моддасининг 5-қисми, 25,273-моддасининг 5-қисми билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 12 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига, У. ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан мол-мулки мусодара қилиниб 12 йилга, 25,273-моддасининг 5-қисми билан мол-мулки мусодара қилиниб 12 йилга, ЖКнинг 59-моддаси тартибида мол-мулки мусодара қилиниб, узил-кесил 13 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2001 йил 25 сентябрдаги ажрими билан М. ва У.га нисбатан бўлган ҳукм ўзгартирилиб, М.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 25,273-моддасининг 5-қисмидан, шу Кодекс 276-моддаси 2-қисмининг «а,б» бандларига қайта квалификация қилиниб, ушбу модда билан унга 3 йил, ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида мол-мулки мусодара қилиниб, узил-кесил 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига, У.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан мол-мулки мусодара қилиниб 10 йил, 25,273-моддасининг 5-қисми билан мол-мулки мусодара қилиниб 10 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида мол-мулки мусодара қилиниб, узил-кесил 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раёсатининг 2002 йил 29 мартдаги қарори билан М.га нисбатан чиқарилган суд қарорларининг жазо

қисми ўзгартирилиб, унга тайинланган мол-мулкани мусодара қилиш қўшимча жазо чораси чиқарилиб, қонунга мувофиқлаштирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. ва У. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

М. муқаддам жиноят содир этиб, жазони ўтаганлигидан ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олмасдан, яна жиноят содир этган. 2001 йил 1 май куни У.га кўп миқдордаги 4 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини 5.000 сўмга сотган, яшаш уйида ўтказиш мақсадини кўзламай 0,01 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

У. 2001 йил 2 май куни кўп миқдордаги 1 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини О.га 2.000 сўмга сотган, яшаш уйида 3 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 5-бандида, айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани топилган ва олинган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг ўлчами уларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши назарда тутилган.

Суд томонидан ушбу Пленум қарори талабларига риоя қилинмаган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда, М. ва У.лар тегишлича 1 грамм ва 4 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотганлар, шундан сўнг уларнинг яшаш уйларида тинтув ўтказилганда у ердан «героин» гиёҳвандлик воситалари топилган.

М. ва У.ларнинг ҳаракатларига улар томонидан сотилган ҳамда уйларида топилган «героин» гиёҳвандлик воситаларининг умумий миқдоридан келиб

чиққан ҳолда баҳо берилиши лозим бўлсада, бироқ суд юқоридаги Пленум қарорига зид равишда М.нинг ҳаракатларини бир вақтнинг ўзида ЖК 273-моддасининг 5-қисми ва 276-моддаси 2-қисмининг «а,б» бандлари билан, У.нинг ҳаракатларини ЖК 273-моддасининг 5-қисми ва 25,273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Шу сабабли, судлов хайъати суд қарорларининг У.ни ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан, М.ни ЖК 276-моддаси 2-қисмининг «а,б» бандлари билан айбли деб топиш ва жазо тайинлаш қисмини бекор қилган ва ишнинг шу қисмини тугатган.

***Назорат иши № ЖСХ-139-05***

